

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.ЎРИНОВ, А.СОТВОЛДИЕВ Параболо - гиперболик типдаги модель тенглама учун учинчи чегаравий шартли нолокал масала	5
Э.МАДРАҲИМОВ, М.МИРЗАКАРИМОВА Математик статистика таҳлил қилиш усулининг бир масаласага татбиғи	11
Д.ОРИПОВ Қаср тартибли бир оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал масалалар	17
М.АБДУМАННОПОВ Мавҳум аргументли бессель функцияси қатнашган ўзгармас коэффициентли интегро-дифференциал тенглама учун интеграл шартли масала	21

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Х.МАКСУДОВ, А.ДЖУРАЕВ, Ш.ШУХРАТОВ Пахта тозалаш агрегатининг аррачали барабан секцияси конструкциясини ишлаб чиқиш	25
М.НАБИЕВ, К.ГАЙНАЗАРОВА, Я.УСМОНОВ, И.ЮЛДОШЕВА Сезгир элементлардаги термоэлектрик тармоқлар сифатида қўлланиладиган <i>n-PbTe</i> пардалар баъзи хоссаларининг экспериментал тадқиғи ва уларни тузатиш	32

КИМЁ

А.ИБРАГИМОВ, А.ИБРОХИМОВ <i>Nitragia</i> индолли алкалоидлар ва уларнинг сунъий аналоглари физиологик фаоллигининг кимёвий структурага боғлиқлиги	36
---	----

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.КУЗИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ Ўзбекистоннинг баланд тоғли тупроқлари қоплами	39
М.ИСАҒАЛИЕВ, Х.АБДУХАКИМОВА, М.ОБИДОВ Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар геокимёси	43
В.ИСАҚОВ, У.МИРЗАЕВ Арзиқ-шухли ўтлоқи саз тупроқларнинг суғориш таъсиридаги динамикаси	47

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒОФУРОВ, Г.ХОЛМАТЖОНОВА Даромадлар ва аҳолининг банкдаги пул жамғармалардан манфаатдорлигини ошириш муаммолари	51
--	----

ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ, А.НИШОНОВ Диний бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлиги	55
Ж.ҲАЙИТОВ Туркистонда манзарали дарахтлар янги турларининг тарқалиш тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари)	61
Н.РЕЖАББОЕВ Фарғона очларига ёрдам (1923-1924 йиллар)	64
З.РАХМАНОВ, М.ХОМИДЖОНОВА Қадимги Фарғонанинг маданиятларини даврлаштириш борасида айрим фикр-мулоҳазалар	69

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Б.ГАНИЕВ, С.ЭВАТОВ, М.НЕЪМАТОВА Имом Бухорий ҳадисларидаги ахлоқ-одоб қоидаларининг тадбиркорлик маданиятига алоқадорлиги	74
А.КОМИЛОВ Ёшлар турмуш маданиятини юксалтиришда таълим-тарбиянинг ўрни	77

АДАБИЁТШУНОСЛИК

С.ХЎЖАЕВ “Панчатантра” эпоси ва ўзбек адабиёти	80
--	----

УДК: 93/99+361.95

ФАРҒОНА ОЧЛАРИГА ЁРДАМ (1923-1924 йиллар)

Н.Режаббоев

Аннотация

Мақолада ТАССР Фарғона вилоятида 1923-1924 йилларда озиқ-овқат таъминотидаги узилишлар, Совет ҳокимиятининг вилоятдаги очарчилик ва озиқ-овқат тақчиллигини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлари архив манбалари асосида таҳлил этилган.

Аннотация

В статье анализируются причины перебоев в поставках продовольствия для населения Ферганской области ТАССР в 1923-1924 годы. Материал изучен на основе архивных данных о принятых Советским правительством мерах, направленных на снижение дефицита продовольствия и голода в вилояте.

Annotation

In this article the cut off of food on TASSR Fergana region in 1923-1924, the attempt of the Soviet Union to reduce the famine in the region with the use of archive sources are analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: озиқ-овқат, очарчилик, “овқатланиш пунктлари”, “озиқ-овқат пунктлари”, уезд, Очарчилик оқибатларини тугатиш марказий комиссияси, тақчиллик, ғалла, “болалар уйлари”.

Ключевые слова и выражения: продовольствие, голодание, “пункты питания”, “пункты продовольствия”, уезд, Центральная комиссия по ликвидации последствий голода, недостаток, зерно, “детские дома”.

Keywords and expressions: food, starvation, “Dining station”, “Food station”, county, Central Committee of ending the consequences of the hunger, lack, harvest, orphanage.

Туркистонни ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш Россия империяси даврида, айниқса, XX асрнинг бошларига келиб, ўлканинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Чунки Туркистоннинг хомашё базаси сифатида сақлаб қолинаётганлиги ҳамда ўлкада метрополия манфаатларининг устун қўйилиши, Туркистон хўжалик юритиш тизимининг тубдан издан чиқишига олиб келди. Россиянинг Биринчи жаҳон уруши (1914-1918) да иштироки эса бу борадаги муаммонинг янада авж олишига сабаб бўлди. Бундай ҳолат Туркистонни Россиянинг марказий районлари ва Шимолий Кавказдан олиб келинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари(асосан дон ва дон маҳсулотлари)га бўлган қарамлигини янада кучайтирди. Биринчи жаҳон уруши ва унинг оқибатлари, 1917 йил февраль инқилоби ва октябрь (1917) воқеалари, фуқаролар уруши ҳамда чет эл интервенцияси Туркистоннинг озиқ-овқат маҳсулотларидан деярли маҳрум бўлишига олиб келди ва бу, ўлка учун кун тартибидаги жиддий муаммолардан бири бўлиб қолди. Бунинг натижасида, 1917-1919 йиллар давомида Туркистонда озиқ-овқат таъминотида тақчилликнинг кучайишига ҳамда очарчиликнинг авж олишига, кўплаб

инсонларнинг ҳалок бўлишига олиб келди.

Туркистонда, айниқса, Фарғона вилоятида иқтисодий танглик, айниқса аҳолининг озиқ-овқат таъминоти 1920 йилларнинг бошларига келиб ҳам ўзининг кўлами жиҳатидан жиддий масалалардан бири бўлиб қолмоқда эди. Янги иқтисодий сиёсат туфайли жорий этилган хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига мос тартиблари ҳам муаммони камайтириш имконини бартараф этиш учун ожизлик қилди. 1921-1922 йилларга келиб, Россиянинг Волга бўйи ва Уралолди худудларидаги очарчилик азобини тортаётганларга ёрдам уюштириш эса шусиз ҳам минтақа аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада кучайтириб юборди. Бундан ташқари, ўлкага Волгабўйидан мажбуран эвакуация қилинган минглаб очларнинг озиқ-овқат таъминоти ҳам ТАССР, айниқса озиқ-овқат тақчиллиги натижасида ўзи очарчилик азобини бошидан кечираётган Фарғона вилояти аҳолисига юклатилди. Вилоятдаги аҳвол эса қизил аскарлар қуролли қаршилиқ ҳаракатини бостириш учун ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётганликлари сабабли, жойларда оч аҳоли таъминоти масаласида тизимли иш олиб борилишига имкон бермасди. 1921 йил ўрталарига келиб, Туркистонда, айниқса, Фарғона вилоятида озиқ-овқат танқислиги кучайиб, очарчиликнинг

Н.Режаббоев – НамДУ тадқиқотчиси.

ТАРИХ

қайтадан авж олишига олиб келди. Бу эса вилоятнинг деҳқон, чорвадор (кўчманчилар) ва ҳунарманд аҳолиси турмуш тарзини янада оғирлаштирди. 1922-1924 йиллар Фарғона вилоятидаги озиқ-овқат тақчиллиги ва очарчилик, совет ҳокимиятининг хўжалик юритишнинг янги тизимини жорий этганига қарамасдан, жойлардаги қуролли ҳаракатга қарши курашнинг бориши, талончилик ва қароқчилик, марказий районлардан ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилишининг камайиши, аксинча, вилоятдан хомашё маҳсулотларнинг Марказга ташиб кетилиши ва бошқа бир қатор сабаблар туфайли вилоят иқтисодиётининг янада издан чиқишига олиб келди. Бундай ижтимоий-сиёсий ҳолатлар шундоқ ҳам ночор яшашга маҳкум этилган Фарғона вилоят аҳолисининг умумий аҳолини янада оғирлаштирди.

Фарғонадаги бундай вазият Туркистон раҳбариятини ташвишга тушириб, бу борада маълум бир чора-тадбирлар кўришни талаб этган. Масалан, Фарғона вилоятидаги очарчилик аҳолини ўрганиб чиққан М.Хўжаев ўзининг 1923 йил 25 мартдаги маърузасида аҳоли ўртасида очарчилик оқибатларига қарши курашда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарурияти борлигини таъкидлайди, яъни 1923 йилнинг апрель ойини Туркистон республикаси бўйича “Фарғона очларига ёрдам” ойлиги, деб эълон қилиш, Фарғона вилоятида 12 та болалар интернати ва “Озиқ-овқат пунктлари”да 30 минг кишини - очларни озиқ-овқат билан таъминлаш, Туркистон МИҚ қошидаги очарчилик оқибатларини тугатиш комиссияси, хусусан, Еттисув вилояти ихтиёридаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган иш ва сўйишга мўлжалланган ҳайвонларни, ҳар қандай харажатларга қарамасдан, Фарғона вилоятига ташлаш, Туркистонда очарчилик оқибатларини тугатиш комиссиясининг энг асосий вазифаси, деб белгилайди. Айни пайтда талон-торож қилинган Фарғона вилояти аҳолисини таъминлаш борасида мавжуд ҳамма маблағларни вилоят ҳисобига ўтказиш, Фарғона вилоятида кадрлар танқислигидан келиб чиқиб, Туркистон очарчилик оқибатларини тугатиш марказий комиссияси Фарғона вилояти Очарчилик оқибатларини тугатиш комиссияси (ООТК) га ўз ходимларини юборди. Ўз навбатида Туркистон очарчилик оқибатларини тугатиш комиссияси раиси ўринбосари доимий ишлаш учун Фарғона вилоятига ўтди [1].

Кўрилаётган бундай чора-тадбирлар оч аҳолининг маълум бир қисмини қамраб олсада, етарли даражада иқтисодий ёрдамнинг тизимли олиб борилмаганлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари заҳирасининг камлиги, айниқса моддий маблағнинг етарли эмаслиги муаммони тўлиқ бартараф этиш имконини бермасди. Шу боис совет ҳокимияти Фарғона вилоятида мавжуд ҳақиқий вазиятни жойларнинг ўзида ўрганиш ва тегишли тартибда ҳисобот тайёрлаш мақсадида, 1923 йил 19-23 февраль кунлари вилоят ООТК нинг масъул котиби, доктор Зиф зиммасига Марғилон уездидаги очарчилик қамровини, уларга, яъни ерли аҳолига маҳаллий озиқ-овқат органлари томонидан кўрсатилаётган ёрдамни, шунингдек, вилоят очарчилик оқибатларини тугатиш комиссиясига қарашли жойлардаги ҳамма ташкилотларни ўрганишни, болалар интернати, озиқ-овқат пунктларидаги ҳолатни аниқлаш юклатилган эди. Муаммони жойига бориб, ўз кўзи билан кўрган доктор Зифнинг ҳисоботида келтирилишича, биргина Эски Марғилон шаҳри “... бозорларида, шаҳар кўчаларида юзлаб оч мусулмонлар хайр-худойи ҳисобига овқатланяпти. Кучдан қолганлар шаҳарнинг ҳамма жойида ҳеч қандай назоратсиз ётибди. Улар тушлик пайтида “Овқатланиш пунктлари”га оқиб келади, кейин яна бутун шаҳар бўйлаб тарқалиб кетади”, дейилади [2].

Жойларда маҳаллий ҳокимият ва тегишли ташкилот вакилларининг оч аҳоли аҳолини ўрганиш ҳамда совет ҳукуматида бу борада аниқ маълумотларни келтириш вазифаларининг топширилиши, фалокат кўламани янада аниқлаш ва керакли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берарди. Бу эса имкон қадар очарчилик азобини тартаётганларга ёрдам уюштиришни ва “Овқатланиш пункт”лари сонини кўпайтиришга ундарди. Масалан, 1923 йилнинг октябрь-декабрь ойларида вилоятдаги “Овқатланиш пункт”лари ва “Болалар уйлари”да 15862 нафар очлар кундалик озиқ-овқат билан таъминланганлар. Аммо бу, Марказ томонидан кўзда тутилган 25034 кишига нисбатан октябрь ойида 6503 нафар, яъни 25 фоизни, ноябрда 5252 нафар, яъни 21 фоиз, декабрь ойида эса 4101 нафар, яъни 16 фоизни ташкил этган. Умуман олганда, юқорида қайд этилган йили вилоятда 21 та “Озиқ-овқат пункт”и бўлиб, улардаги очлар миқдори 4890 нафарни ташкил этган [3]. Аммо бу борадаги ишларни амалга ошириш учун маблағнинг етишмаслиги ёки истеъмол

учун емишнинг йўқлиги сабаб, “Овқатланиш пункт” ларида бир кунда ҳар бир кишига 1 қадоқдан қуруқ нон берилган.

Очларга кўрсатилаётган ёрдамнинг етарли эмаслиги боис, 1923 йил 18 апрелда мавжуд вазият қайтадан таҳлил этилиб, Фарғона вилояти ООТК Марғилон уездида очарчилик ҳолатлари бўйича уезд ООТК раиси ўринбосари Воҳидов маърузасини тинглаб, қуйидаги мазмунда қарор қабул қилди:

1. Зудлик билан Марғилон уездига доктор Зифни сафарга юбориш керак ва унга жойлардаги очарчиликка оид аҳволни аниқлаш топширилсин.

2. Зифга очарчиликка барҳам бериш юзасидан зарур кўрсатма-йўриқномалар бериш, тафтишлар ўтказиш ваколоти берилсин.

3. Зифга, қаерда мақсадга мувофиқ деб топса, янги “Овқатланиш пунктлари” ташкил этиш топширилсин.

4. Марғилон уезди ООТК га 50 пуд гуруч, 1000 пуд ғалла, бир бочка ёғ (15-20 пуд) ва 10 пуд совун ажратилсин [4].

Юқорида келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Марғилон уезди аҳолисининг 30 минг нафардан зиёди оч бўлганлигини эътиборга олсак, ажратилган озиқ-овқат маҳсулотлари уезднинг оч аҳолисига нисбатан амалда жуда оз миқдорда тақсимланганини англаш қийин эмас. Лекин шунга қарамасдан, бундай чора-тадбирлар вилоят аҳолисини маълум даражада маблағ ва озиқ-овқат билан таъминлаш имконини берди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бундай тадбирлар жойлардаги озиқ-овқат муаммоларини тўлиқ бартараф этишга камлик қилиб, оч аҳоли сонининг кескин камайишига олиб келмади.

Вилоятнинг бошқа уездларида ҳам аҳвол қониқарли эмас эди. Қуйида келтирилган рақамлар ҳам буни тасдиқлайди. Масалан, 1923 йилнинг 31 январидан биргина Наманган уездидаги “Овқатланиш пункт”ларида 646 нафар оч борлиги келтирилган бўлса [5], 1923 йилнинг мартдаги маълумотга кўра эса бу кўрсаткич уезд бўйича 3688 нафар очни ташкил этиб, уларнинг жойлардаги тақсимоти қуйидагича бўлган: Уйчида - 1156 киши, Янгиқўрғонда - 766, Қирғиз қўрғонда - 726, Чустда - 418, Нанайда - 331, Косонсойда - 291 кишини ташкил қилган [6]. Бундан ташқари, 1923 йил 28 мартда Наманган уезд ООТК раиси Фарғона вилоят инқилоб кўмитасига юборган билдиришида эса ҳар куни “Овқатланиш пункт” лари қарамоғида 770

нафар атрофида оч борлиги ва улардан 490 нафари пунктда нон ва иссиқ овқат билан таъминланаётгани, 280 нафар оч эса келиб-кетиб овқатланадиганлардан иборатлиги таъкидланади [7]. Шу билан бирга, 1923 йил 20 июнига келиб эса, Фарғона вилояти ООТК га Наманган уезд очарчилик оқибатларини тугатиш комиссияси раиси томонидан қилинган мурожаатда, рўйхатдан ўтган очлар миқдори 17367 нафарни ташкил этишини ва бу жойлардаги “Овқатланиш пункт”ларида қуйидагича тақсимланганини таъкидлайди: Аштда - 4594 киши, кўчманчилар яшайдиган тоғли ҳудудда - 4180, Уйчида - 1737 киши, Чустда - 1238, Кетмонтепада - 1070, Янгиқўрғонда - 882, Наманган шаҳрида - 702, Косонсойда - 672, Ахси - Шахандда - 600, Жийдакапада - 500, Балиқчида - 500, Нанайда - 331, Қирғизқўрғонда - 360 кишини ташкил этган [8]. Очлар сонининг бундай ўсиб бориши жойларда озиқ-овқат маҳсулотларининг асосан ғалланинг етишмаслиги, бозорда нарх-навонинг ўсиб кетганлиги, деҳқон хўжалигининг вайрон бўлиши, муаммони бартараф этиш учун маблағнинг етарли эмаслиги ва бошқа бир қатор омиллар сабаб бўлган. Воқеаларнинг бундай ривожини совет ҳокимиятининг жойлардаги вакилларини ташвишга солган. Масалан, Наманган уезди ООТК раиси бундай ҳолатнинг давом этиши “... давлат манфаатларидан йироқ, чунки [очликдан] ўлаётганларнинг аксарияти пахтакор деҳқонлар... Зудлик билан бундай ҳолатга барҳам бериш керак... уезд очларини озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича кўрсатма бериш зарур. Акс ҳолда мен... ўзимдан ҳар қандай масъулиятни ҳоли қиламан”, деб таъкидлайди [9]. Наманган уезди ООТК раисини очарчиликдан ўлаётган аҳоли вакиллари эмас, балки пахта ва унинг йиғим-терими мавсумида ишчи кучининг етишмаслиги масаласи кўпроқ ташвишлантирганини англаш қийин эмас. Совет ҳокимиятининг таянчи ва суянчи бўлган деҳқонлар қатламининг камайиб, аниқроғи ўлиб кетаётганлиги давлатнинг умумманфаатларига мутлақо зид келаётганлигини ўз вақтида англаб, масъулиятни ўзидан соқит қилишга уринганини қандай тушуниш мумкин?

Юқорида келтирилган далиллар шундан далолат бермоқдаки, вилоятнинг деярли барча уездларида озиқ-овқат тақчиллиги 1923 йилнинг ёз фаслига келиб ҳам ўзининг ечимини топмай, долзарб муаммо сифатида қолганлигини таъкидлаш мумкин. Кўрилатган

ТАРИХ

у ёки бу чора-тадбир вилоятнинг оч аҳолиси таъминоти учун умуман етарли эмас эди.

Фарғона вилоятидаги озиқ-овқат тақчиллиги ҳамда очарчилик кундан-кунга кўплаб болалар, аёллар, кексаларни ўз қамровига тортиб, қурбонлар сонини кўпайтириб борарди. Масалан, 1923 йил 10 июлдаги маълумотларга кўра, Фарғона вилояти ООТК дан Туркистон МИҚ раҳбариятига юборилган телеграммада очлар аҳволи жуда аянчли эканлигини таъкидлаш билан бирга, "1 июнга қадар ҳамма озиқ-овқат маҳсулотлари тугатиб бўлинган. Болаларга иссиқ овқат беришни 10 кун аввал тўхтатилган... куруқ озиқ-овқат маҳсулотлари... икки кунга етади, бунини ҳам тарқатиш 13 июндан тўхтатилади, чунки озиқ-овқат йўқ", дейилади [10]. Демак, ёз фасли пишиқчилик (*халқ тилида ҳозир ҳам ушбу сўз қўлланилиб, яъни ҳосил пишиб етилган пайт, мўл-кўлчилик назарда тутилади-Н.Р.*) бўлишига қарамасдан, нафақат катта ёшдаги оч аҳоли таъминоти, балки ёш болаларнинг озиқ-овқат таъминотида ҳам узилишлар бўлиб турган. Бундай ҳолатлар вилоятда пахта ўрнига ғалла ва мева-сабзавот экинларини экишнинг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин эди. Бундай аҳволдан ташвишланиб, Фарғона вилоятига, 1923 йил 22 февралда Москвадан Туркистон МИҚ ва ХКК раҳбариятига юборилган телеграммада Туркистонга 50 минг пуд ғалла ажратилгани ва унинг 75 фоизи иш ҳақини ёпишга ҳамда 25 фоизи ташкилий ишлар билан боғлиқ заруриятга сарфланиши кўрсатилган [11.101]. Бундан ташқари, Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидан Туркистонга юборилган болаларни боқиш ва резвакуациясини тезлаштириш масаласи кучайтирилди. Бунга сабаб эса Туркистондаги очарчиликнинг чекинмаганлиги эди. Бундан ташқари, марказий ҳудудлардан келган болаларни озиқ-овқат ва кийим-бош билан таъминлаш учун 1922 йил 1 июлдан 1923 йил 3 июнга қадар Россиянинг марказий губернияларидан 1 млн. пуддан ортиқ ғалла келтирилган бўлса, 1924 йил март ойигача эса бу 3 млн. 555 минг пудни ташкил этган [12.176].

Кўрилатган чора-тадбирларга қарамасдан, вилоятдаги умумий аҳвол анча жиддий бўлган. Бу борада Фарғона вилояти ООТК 1923 йил 8 августда жойлардаги очарчилик азобини тортаётганларни озиқ-овқат билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилиб, қуйидаги мазмунда қарор қабул қилади:

- жойлардаги озиқ-овқат таъминоти жуда жиддийлиги, ҳолат хавфли тус олаётгани қайд этилсин;

- очларга ёрдам бериш учун озиқ-овқат ва пул маблағлари йўқлиги таъкидлансин;

- 1923 йил 1 августигача бўлган 730 минг рубллик қарзни ёпиш учун Фарғона вилоят ООТК раиси ўринбосари Калон-Хўжаевга вилоят ижроия кўмитаси мажлисида маъруза қилиш зарур деб топилсин;

- Калон-Хўжаевга зудлик билан Туркистон МИҚ га Фарғонадаги озиқ-овқат муаммолари юзасидан маъруза билан Тошкентга келиши керак деб топилсин;

- Туркистондаги марказий-бошқарув ташкилотлари билан боғланиб, Фарғона вилоятидаги очларни озиқ-овқат, маблағ билан таъминлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ундалсин;

- жойлардаги очарчилик азобини тортаётган қаровсиз болаларни озиқ-овқат таъминотига ёрдам кўрсатиш масаласи кўриб чиқилсин;

- Калон-Хўжаевни озиқ-овқат ҳамда пул маблағ билан Марказ (*Тошкент назарда тутилган-Р.Н*) дан қайтганига қадар вилоят ижроия кўмитасидан ООТК омборхонасидаги 1500 пуд маккажўхорини очларни боқишга сарф қилишга рухсат бериш сўралсин [13].

Бундан ташқари, совет ҳокимиятининг жойлардаги вакиллари очларга ёрдамни ташкил этиш мақсадида, имкон қадар мустақил саъй-ҳаракат қилганлар. Масалан, 1923 йил 9 октябрида Фарғона вилояти ижроия кўмитаси раиси Файзуллин ООТК ихтиёридаги газламаларни Фарғона очларига беришга қарор қилади. Ушбу ёрдам асосан аҳолининг талон-торож қилинган ва азият чеккан қисмига берилиб, бу, 260 минг рубллик газламани ташкил этади [14]. Вилоятнинг ваколатли вакиллари Марказнинг "ёрдамни" кутмай, ички имкониятлар ҳисобига ҳам имкон қадар муаммо ечими йўлида саъй-ҳаракатлар қилганлар.

Фарғона вилоят аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда вилоятнинг ваколатли вакиллари мавжуд ижтимоий муҳитдан келиб чиқиб, аёллар учун алоҳида "Овқатланиш пунктлари"ни ташкил этган. Масалан, 1923 йил 4 июнида Фарғона вилояти ООТК томонидан жойларда аёллар учун зудлик билан "Овқатланиш пунктлари"ни ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди [15].

Кўрилатган чора-тадбирлар Фарғона вилоятида у ёки бу даражада озиқ-овқат ва очарчилик муаммоларини бартараф этишга,

аниқроғи, уни камайтиришга эришилган бўлса-да, вилоят аҳолиси умумий сонига нисбатан етарли миқдорда эмасди. Марказдан кўрсатилаётган ёрдам асосан оч аҳоли таъминотига қараганда, марказий ҳудудлардан эвакуация қилинган очларга, “Болалар уйлари” тарбияланувчилари, “Овқатланиш пунктлари” ташкил этилган жойларда, асосан шаҳар ва уезд марказларида амалга оширилди. Вилоятнинг қишлоқ жойларида яшовчи аҳолининг озиқ-овқат таъминоти масаласи кун тартибидан,

аниқроғи, эътибордан четда қолди ва бу билан улар тақдир ҳукмига ташланди. Фарғона вилоятига берилаётган иқтисодий, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа хил ёрдамнинг тағзаминида вилоятда пахта саноати инқирозини камайтириш ва бу соҳа билан шуғулланувчи деҳқонларни ҳалокатдан сақлаб қолишга қаратилган. Чунки пахта ва у билан боғлиқ машаққат ўлканинг меҳнатда чиниққан деҳқонлари етиштириши сабаб, уларни муқаррар ўлимдан сақлаб қолиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим эди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎзР МДА), Р-17-фонд, 1-рўйхат, 358-иш, 111-варақ орқаси.
2. Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), Р-435-фонд, 1-рўйхат, 172-иш, 32-варақ.
3. ФВДА, Р-121-фонд, 2-рўйхат, 117-иш, 260-261-варақ.
4. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 172-иш, 27-варақ.
5. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 9-варақ орқаси.
6. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 15-варақ.
7. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 15-варақ.
8. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 24-варақ.
9. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 15-варақ орқаси.
10. ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 368-иш, 104-104-варақ ва орқаси, 105 варақ.
11. Расулов А. Туркистон халқи бағрикенглиги (XX аср 20-йиллари бошларида Россиядан эвакуация қилинган болалар мисолида). -Т.: Yangi nashr, 2011.
12. Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йиллар). -Т.: Университет, 2005.
13. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 172-иш, 57-57-варақ орқаси.
14. Самарқанд вилоят давлат архиви (СВДА), 22- фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 16-варақ.
15. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 172-иш, 26-варақ.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)